



Хурматли ота оналар пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам айтадиларки: Шодлик кунларингда Аллохни танигин, огир кунларингда Ул зот сени танийди-сени ташлаб кўймайди. Инсон аввало Аллох таолони яхши кўриши шарт. Унинг калбида Аллохга бўлган мухаббатига бошкалар мухаббатини устун бўлиши, хатто тенг бўлиши хам асло мумкин эмас. Инсон бир одамни яхши кўрганда, уни якиндан таний бошлайди. Шунингдек, биз хам Аллохни яхши кўрар эканмиз, Ул зотни якиндан танишимиз, исмлари ва сифатларини ўрганишимиз лозим.

1. Савол: Болажоним, биз яхши кўрадиган Роббимиз Аллох каерда?

Жавоб:

Аллох таоло осмонда, Аршининг устида.

2. Савол: Унинг Аршига бирор нарса ўхшайдими?

Жавоб: Йўқ дадажон, Унинг

Аршига бирор нарса ўхшамайди ва Унинг Арши канака эканлигини, фактат Унинг

Ўзигина билади холос.

3. Савол: Аллохнинг арши остида нима бор?

Жавоб: Фирдавс жаннати бор.

Аллохнинг Арши Фирдавс жаннатининг томидир.



4. Савол: Болажоним Аршнинг тепасида хам бирор нарса борми?

Жавоб: Йўқ
дадажон, Арш нарсаларнинг энг юкориси.

5. Савол: Болажоним, Аллоҳ осмонда, Аршининг устида бўлса, бизни кўриб эшитиб турадими?

Жавоб: Ха дадажон, Аллоҳ хамма жойларни кўриб ва эшитиб туради.

6. Савол: Болажоним, Аллоҳнинг хам кўзи борми?

Жавоб: Ха дадажон,
Аллоҳнинг кўзи борлигини исботлаб, иймон келтирамиз.

7. Савол: Аллоҳнинг кўзи борлигини каердан билдинг?

Жавоб: Аллоҳнинг
куръондаги ояти ва Пайгамбаримизнинг хадисларидан билдим.

8. Савол: Уларда нима дейилган экан?

Жавоб: Аллоҳ куръонда ўзини Басийр яъни Кўрувчи деб исмлаган. Киёмат якинлашганда одамларни адаштириш учун ёлгончи Дажжол чикади. Унинг бир кўзи кўр бўлади. Дажжол, мен сизларнинг роббингизман, деб одамларни алдайди. Аллоҳ эса кўр эмас Бундан маълум бўладики, Аллоҳнинг кўзи бор.